



ПЕТЕРБУРГ БАДИЙ АКАДЕМИЯСИНING ҚАЛАМТАСВИР ЎҚИТИШ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Жаббаров Ботиршер Ғуломович¹, Сидиқов Дилшоджон
Мирзамахмудович²

¹ Наманган давлат университети, доценти

² Наманган вилояти, Учқўрғон тумани, 19-сонли болалар мусиқа
ва санъат мактаби, тасвирий санъат ўқитувчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.5812926>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 10-Dekabr 2021
Ma'qullandi: 15-Dekabr 2021
Chop etildi: 20-Dekabr 2021

KALIT SO'ZLAR

Петербург Бадий
Академияси,
қаламтасвир,
перспектива, натура,
реалистик, ёруғ-соя,
модел.

ANNOTATSIYA

1758 йил И. И. Шувалов ташаббуси билан Россияда ташкил қилинган Петербург Бадий Академиясининг жаҳон тасвирий санъати ривожига, жумладан қаламтасвир соҳасига қўшган ҳиссаси катта бўлган. Аммо, уни тарихи ва у эрда фаолият кўрсатган жуда кўплаб рассом-педагоглар ҳақида тўлиқ илмий маълумотларга эга эмасмиз.

1769 йилдан бошлаб Петербург Бадий Академиясида қаламтасвирнинг моҳир устаси ва ажойиб педагог А. П. Лосенко фаолият кўрсатишни бошлайди.¹ У қисқа ва сермазмун умри (1737-1773) давомида академик қаламтасвир фанининг ривожига улкан ҳисса қўшган XVIII аср рус рассом-педагоглардан бири ҳисобланади.

1769 йилдан бошлаб Россия Бадий Академиясида ўқитувчи сифатида фаолиятини бошлаган Антон Павлович қисқа муддат ичида, яъни орадан бир йил ўтиб Академик ва катта

профессор лавозимига эга бўлади, 1772 йили эса академия директори этиб тайинланади.

У ўзининг асосий диққат-эътиборини нафақат амалий машғулотга балки қаламтасвир назариясига ҳам қаратади. Натижада унинг ёрқин педагогик фаолияти тез орада кўпчиликнинг эътиборини тортади. Лосенкодан бошлаб рус академик мактаби ўзининг ўзига хос асосий йўналишига эга бўлади.

Лосенко ҳар бир тасвири ишлашдан олдин унинг илмий-назарий асосларини талабаларга тушунтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди, бу нарса,

¹Н. Н. Ростовцев. История методов обучения рисованию. М.; 1982. 26-бет.



аввало, одам қоматини ишлашда ўз аксини топади. Бунинг учун у пластик анатомияни чуқур ўрганиб, одам танасини ўзига хос тенг бўлақларга бўлиниш қонуниятларига оид схема ва таблицаларни ишлаб чиқиб, ўқувчиларига кўрсатишдан бошлайди. Шу пайтдан бошлаб қаламтасвир ўқитиш методикаси анатомия ва одам тана нисбатларини, перспективани жиддий ўрганишга асосланишни бошлайди. Рассом учун керакли бўлган бу назарий билимларни Лосенко ўзининг ёрқин педагогик маҳорати ва катта ишончи билан ўқувчиларига ўргатган.

Лосенконинг хизматлари нафақат Академияда қаламтасвир ўқитишни яхши йўлга қўйганлиги, балки уни ривожланишига ҳам катта эътибор берганлиги билан диққатга сазоввар ҳисобланади. Уларни ичида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим:

1. Одам қомати нисбатларини ва академик қомат нисбатларини таҳлил қилишни кенг йўлга қўяди. Бу иш уч босқичдан иборат бўлиб, биринчи ва иккинчи босқич эркак киши қоматини бўйига ва энига тасвирлашга қаратилган бўлса, учинчи босқич эса профил тасвир ишлашга бағишланган. Одам танасини математик таҳлилини Лосенко қисм ва бўлақларга бўлиш орқали амалга оширади. Бироқ, математик таҳлил деганда натурани циркул ва чизғич орқали ўлчаб олишни эмас, балки кўз ёрдамида чамалаш орқали амалга оширишни тавсия этади.

2. Рассомлар учун анатомиядан ўқув қўлланма яратган. Афсуски, нашр қилинмаган, айрим тасвирларгина сақланиб қолган холос. Аммо, улардан Россия ўқув юртларида ҳозирда ҳам фойдаланиб келинади.

3. Одам қоматини қандай қилиб кичайтириш ва катталаштириш бўйича қўлланма ҳам яратади. Аммо, бу қўлланма ҳам чоп қилинмаган, бироқ уни Ястрелибов томонидан кўчирилган нусхалари яхши сақланиб қолинган бўлиб, Ростовцевнинг “История методов обучения рисованию” (М, 1982, олий ўқув юрти талабалари учун ўқув қўлланма) қўлланмасида илк бор нашр қилинади.

4. Рассом асарларининг асл нусхаларидан тузилган альбом – қўлланма тайёрлайди. Ушбу қўлланма махсус мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган бўлиб, у одам боши ва қомати қаламтасвирининг асл нусхалари асосида тузилган. Лосенко асл нусхалардан кўчирма олишга оддий бир механик ҳолат деб эмас, балки қаламтасвир устасини, этук рассомни тайёрлашда энг зарур бўлган қўл ва кўз ҳаракатининг ривожлантирувчи омили сифатида қарайди.

Бу каби ўқув қўлланмаларга академия тарбияланувчилари жуда ҳам муҳтож эдилар. Лосенко қаламтасвирдан ўқув қўлланмалар борасида рус Академияси, балки ўша даврда академиялари энг яхшиси ҳисобланган француз Академияси ҳам



қашшоқлигини жуда яхши тушуниб этган рассом-педагоглардан эди.

XVIII аср охирига келиб Антон Павлович Лосенко каби фидоий инсонларнинг сайъи-ҳаракати билан Россияда қаламтасвир умумтаълим мактаблари ўқув предмети сифатида кенг тарқалди.

1804 йили мактаблар низомига асосан Россиянинг барча уезд билим юртлари ва гимназияларининг ўқув предметлари қаторига қаламтасвир ҳам ўқув предмети сифатида киритилади. Бу эса ўз навбатида мактаблари учун кўплаб қаламтасвир ўқитувчилари этишмаслиги муаммосини келтириб чиқаради. Ушбу муаммони бартараф қилиш мақсадида 1825 йили граф Страгонов ташаббуси билан Москва шаҳрида техник қаламтасвир билим юрти ташкил қилинади. Бу билим юртида умумтаълим мактаблари учун қаламтасвир ўқитувчиларини тайёрлайдиган махсус бўлим ҳам фаолият кўрсатади.

Умумтаълим мактаблари учун қаламтасвирга оид махсус ўқув ва услубий қўлланмаларга бўлган эҳтиёж ҳам қаттиқ сезилиб қолади. Бу давргача чоп қилинган қўлланмалар махсус билим юртлари ва ихтисослашган мактабларга мўлжалланган бўлиб, умумтаълим мактаблари учун эса қаламтасвирга оид ҳеч қандай ўқув адабиёти яратилмаган эди.

1834 йили ҳарбий-мухандис, таниқли рассом-педагог А. П. Сапожников тамонидан “Қаламтасвир курси” (Курс рисования) нашр қилинади. Бу умумтаълим мактаблари учун рус рассоми муаллифлигида нашр

қилинган қаламтасвирга оид илк ўқув қўлланма бўлади. Унда қаламтасвир ўқитишнинг янги йўналишлари кўрсатилган бўлиб, қаламтасвир нафақат махсус билим юртлари, балки умумтаълим мактаблари ўқув предмети сифатида ҳам қаралади.

Сапожников қаламтасвир ўқитиш методикасига янгича ёндошади. У ўз олдига бўлажак қаламтасвир усталарини амалий иш жараёнида фикрлашга, таҳлил, мушоҳада қилишга ўргатиш вазифасини қўяди. Шунинг учун ҳам у картон ва симлардан турли хил моделларни ишлаб чиқади. Бундай моделлар жумласига квадрат ва айланани қурилиши ва ҳажмини, перспективани ҳамда ёруғ-соя қонуниятларини ўргатиш учун тайёрлаган моделлари киради. Улар асосида эса Шебуев билан биргаликда анатомик муляжлар моделларини ҳам тайёрлайди.

Сапожников томонидан таклиф қилинган қаламтасвир ўқитиш методикаси ўқув-тарбиявий ишларда туб бурилиш ясайди. Уни қўлланмаси нашрдан чиққунига қадар барча умумтаълим мактабларида қаламтасвир ўқитиш Прейслер китоби асосида олиб борилар ва асосий эътибор асл нусхалардан кўчирма олишга қаратиларди. Натурадан ишлашга деярли аҳамият берилмас, реалистик расм чизишнинг баъзи бир қонуниятлари ҳақида жиддий фикр юритиш ҳақида эса ҳеч ким ўйлаб ҳам кўрмаган эди.

Сапожников “ихтиёрий бир буюм тасвирини чизишда ўқувчига ёрдам беришнинг энг яхши воситаси”- деб



ўқишни бошларида мазкур буюмларни соддалаштириш асосида тасвирлаш услубини тавсия қилган. Бунда ўқувчи буюмни ташкил қилган геометрик асосни аниқлаб олиши керак бўлади, кейин эса тасвирлашга ўтиши мумкин деб ҳисоблайди.

Сапожников ўқитувчининг вазифаси “ўқувчи чизиш жараёнида йўл қўйган ҳатоларини тўғрилаб, чизиб бериш билангина чеклаб қолмасдан, балки оғзаки тарзда ўқувчининг ҳатосини тушунтиришдан ҳам иборат”- деб ҳисоблайди. Бунга эришиш учун эса у турли хил моделлардан самарали фойдаланади. Уни моделлари тасвир кўринишини кўчириш учун керак бўлмасдан, аксинча, натураниг тузилиши қонуниятларини очиб беришга хизмат қилган. Моделлар натура билан ёнма-ён қўйилган бўлиб, уларнинг вазифаси натурани ўзига хос конструктив тузилиши қонуниятларини ўқувчиларга тушунтиришдан иборат эди. Мисол учун, Сапожников гипсдан ясалган одам боши тасвирини чизишда симдан ясалган бош кўринишидаги моделдан фойдаланишни тавсия қилади: “Гипс бош турган ҳолатга мос равишда қўйилган симдан ясалган модел бош бўлақларининг перспектив ўзгаришини тушинтиришга хизмат қилади.”²

Бу моделнинг мақсад ва вазифаси ҳақида муаллифнинг ўзи шундай деб ёзади: “Бадий Академия императорлиги кенгашига мен тузган “Бошланғич расм курси”нинг бир нусхасини, унга тегишли моделлар солинган қути ва симдан ясалган бош

моделни юборишга жазм қилдим. Уларни ўз марҳаматингиз доирасида қабул қилишингизни ўтиниб сўрайман. Агар ушбу модел Академиянинг расм чизиш синфларида фойда келтирса мен жуда бахтли бўлар эдим. Агар бу моделни худди шу бурилишда намуна хизматини ўтайдиган гипс бошнинг олдига қўйиб ишланса, у ўзини таркиб топтирган қисмларининг перспектив ўзгаришини англаб олишга ёрдам беради.”³

Сапожников томонидан тавсия қилинган янги услуб нафақат умумтаълим мактабларида, балки тасвирий санъатга ихтисослашган махсус ўқув юртларида ҳам кенг кўламда қўлланила бошланади. Янги услубнинг муваффақияти шунда эдики, у ҳар қандай буюмнинг мураккаб тузилишини кўргазмали қурол бўлган моделлар ёрдамида оддий ва содда қилиб очиб берар эди.

Барча мутахассис ва танқидчилар ҳам бир овоздан Сапожниковнинг услубига юқори баҳо беришади. Бироқ, ўша даврда чоп қилинган услубий қўлланмаларда уни номи деярли тилга олинмаган деб таҳлил қилади Ростовцев. Ҳақиқатдан ҳам Ростовцевгача бўлган кўплаб услубий қўлланмаларда ака-ука Дюпюи, Гальяриларнинг услублари “янги ва жуда ҳам яхши ўқитиш услуби” - деб мақтаб ёзилган, бироқ, Сапожников услуби ҳақида эса бир оғиз ҳам сўз юритилмаган. Шунга қарамасдан Сапожниковнинг услуби ва моделлари Дюпюи ҳамда Гальяриларнинг услуби

²Н. Н. Ростовцев. История методов обучения рисованию. М.; 1982. 60-бет.

³Ботир Бойметов. Портрет қаламтасвири. Т.; 2001. 19-20-66.



ва моделлари билан умумий ўхшаш томонлари кўп бўлган.

Шу ўринда Сапожниковнинг услуги - 1834 йилда, Дюпюи -1842 йилда, Гальяри – 1844 йилда чоп қилинганлигини келтириб ўтишини мақсадга мувофиқ деб топдик. Бундан Сапожников улардан олдин ўз услубини нашрдан чиқарганлигини кўришимиз мумкин. Қолаверса, улар моделлардан натура сифатида фойдаланган бўлсалар, Сапожников моделлари эса буюм ҳажмининг тузилиш қонуниятларини очиб беришга, перспектива ва ёруғ-соя қонуниятларини ўрганишга хизмат қилган. Хулоса қилиб, Сапожников услуги Дюпюи ва Гальяриларнинг услубидан олдин яратилган ва самарали услуб бўлган дейишимиз мумкин.

XX аср рус рассом-педагоглари томонидан унинг услуги ўрганиб, илмий таҳлил қилиб чиқилди ва кенг қўламда қўлланилди. Айниқса, Н. Н. Ростовцевнинг педагогика институтларининг “Чизмачилик, тасвирий санъат ва меҳнат” мутахассислиги учун ўқув қўлланма

сифатида чоп қилинган “История методов обучения рисованию” китобида XIX асрнинг биринчи ярим йиллиги бўлимида Сапожников услубига алоҳида эътибор қаратилади ва унинг афзаллик томонлари очиб берилди.

XXI аср бошларида рассом-педагог Ботир Бойметов томонида “Портрет қаламтасвири” ўқув қўлланмасида Сапожников томонидан ишлаб чиқилган услуб илк маротаба ўзбек тилида батафсил баён қилинди ва унинг қаламтасвир соҳасига қўшган ўзига хос хиссаси эътироф этилади.

А. П. Сапожниковнинг қаламтасвир ўқитиш услубининг ижобий томонлари ҳозирга қадар ҳам ўзининг қийматини йўқотган эмас, ундан оқилона фойдаланиш эса қаламтасвир машғулотлари самарадорлигини оширади.

Икки рассом-педагоглари қаламтасвир ўқитишга қўшган ҳиссасини ўрганиш орқали Петербург Бадий Академиясида қаламтасвирга берилган эътиборни билиб олишимиз мумкин.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Н. Ростовцев. История методов обучения рисованию. 1982
2. Б.Бойметов. Портрет қаламтасвири. Т.; 2001
3. Р. Хасанов. Тасвирий санъат асослари – Тошкент, 2009.
4. С. Абдуллаев, А. Махмудов. Гипс моделлар расмини чизиш. Т.; 2009.
5. Б. Бойметов. Қаламтасвир. -Т.; 2013
6. Б.Жаббаров. Қаламтасвир. - Н.; 2014